

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1475-ҳадис

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар.

Аллоҳ азза ва жалла Қиёмат куни: «Эй одам боласи, касал бўлдим, мени кўргани келмадинг», дейди. Шунда у киши: «Эй Раббим, қандай қилиб сени кўргани бораман? Сен оламларнинг Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Билмасмидинг, фалончи бандам касал бўлди, лекин уни кўргани келмадинг. Агар уни кўргани борганингда унинг ҳузурида мени топар эдинг», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, сендан овқат сўрадим, сен мени таомлантирумадинг», деса, у киши: «Эй Раббим, қандай қилиб сени овқатлантираман? Сен оламлар Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Билмасмидинг, фалончи бандам сендан овқат сўради, лекин сен унга таом бермадинг. Агар унга овқат берганингда ана шуни ҳузуримдан топар эдинг», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, сендан сув талаб қилдим. Лекин мени сув билан сийламадинг», деса, у киши: «Эй Раббим, нечук сени сув ила сийлайман? Ваҳоланки, сен оламлар Рабби бўлсанг», дейди. Аллоҳ эса: «Фалончи бандам сув талаб қилди. Сен унга сув бермадинг. Билмасмидинг, агар сув билан сийлаганингда, ана шуни менинг ҳузуримдан топар эдинг», дейди.

Имом Муслим ривоятлари.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

